



Tadqiqot uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



№22

30 ноябрь

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 22-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
4-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
22-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-4**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
22-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-4**



УУК 001 (062)

КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 22-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 14 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8. Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9. Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10. Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11. Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12. Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13. Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14. Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15. Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16. Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17. Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18. Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19. Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20. Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21. Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ
ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ**

1. Бегбутаева Фарида Гайбуллаевна НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАР ТАЪЛИМИ.....	7
2. Рахимов Жавохир Даврбек ўғли ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ЁШЛАРДА КАСБИЙ РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ	10
3. Norbekov Umid Jo'rabek og'li АХВОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ YOSHLARNING FUQAROVIIY FAOLLIGIGA TA'SIRI	12



СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАР ТАЪЛИМИ.

Бегбутаева Фарида Гайбуллаевна
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқарув академияси докторанти
farida_6@mail.ru тел.: +998 93 3932643

Аннотация. Мақоланинг эътибор марказида ногиронлиги бўлган болалар учун инклюзив таълимнинг афзаллик жиҳатлари, уларнинг умумтаълим мактабларига боришлари ва бундай болалар соғлом болалар билан бирга таҳсил олишлари, махсус мактаб интернатлардаги ва уйда яқка тартибдаги таълим ҳолати тўғрисида тўхталиб ўтилган. Ногиронлиги бўлган болаларнинг жамиятдаги ижтимоий ҳаётга мустақил етук фуқаролик даражасида тайёр бўлиб етишишлари масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган.

Калит сўзлар: Ногиронлиги бўлган, инклюзив таълим, ихтисослашган таълим, махсус таълим, тўсиқсиз ҳаракат.

Юртимизда ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳам барча соғлом тенгдошлари қатори миллий руҳда тарбияланишлари, ақлий, ахлоқий, жисмоний жиҳатдан камол топишлари масалаларига алоҳида аҳамият бераётганлиги барчамизга маълум. Ногиронлиги бўлган болалар таълимни таъминлашга «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», 2003 йилда ишлаб чиқилган «Таълим ҳамма учун» Миллий дастур режаси, 2005 йилда қабул қилинган «Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун Инклюзив таълим тўғрисидаги муваққат Низоми», «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ҳамда бир қатор давлат дастурлари ҳам бевосита асос бўлади.

Хусусан, «Ўзбекистонда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасидан 26-моддасигача бўлган бутун бир боби, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 23, 25, 29-моддаларида ногиронлиги бўлган болаларнинг барча болалар қатори мактабгача, мактаб ва ўрта махсус таълим олишларида тенг ҳуқуққа эгаллиги ва уларнинг таълим олиши учун давлат томонидан барча шароитлар яратиб берилиши кафолатланган¹.

МДХ мамлакатлари, жумладан Ўзбекистонда таълим даражаси кўрсаткичи жуда юқори. Ўзбекистонда таълим кўрсаткичи 0,99 ни ташкил этса, айти пайтда дунёда бу кўрсаткич 0,77 ни ташкил қилади. Ўзбекистон таълим кўрсаткичи бўйича Европа иттифоқи таркибига қирадиган Мальта (0,86), Румыния (0,90), Хорватия (0,90), Марказий Американинг саноати энг ривожланган мамлакати Коста Рика (0,87) ва Хитой Гонконгидан (0,87) олдинда. Бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон нефть ҳисобидан бойиб кетган Бахрайн ва Бруней (0,88), Қувайт (0,87), Қатар (0,86), БАА (0,71), шунингдек иқтисодий ва техник ривожланиш соҳасида катта муваффақиятга эришган Мексика (0,86) ва Малайзиядан (0,84) олдинда² туради.

Қуйидаги саккизта давлатда ногиронлиги бўлган болаларнинг мактабга жалб қилиниши (Озарбайжон, Арманистон, Босния, Герцоговина, Грузия, Қирғизистон, Молдава, Тожикистон, Туркманистон) 50% дан паст кўрсаткични ташкил қилади. Дунё бўйича ўрта мак-

¹ «Бола ҳуқуқлари кафолатлари» Тошкент: ООО «Квинта Принт», 2008.

² Саидова Г. Ўзбекистонда таълим: талаб ва тақлиф мутаносиблиги. –Тошкент, 2007-2008. –Б.28.



табга бормайдиган ногиронлиги бўлган болалар сони 12 млн дан ортиқ¹. Ўзбекистонда эса ногиронлиги бўлган болаларни мактаб таълимига жалб қилиш кўрсаткичи йилдан йилга ортиб бормоқда. Чунки, бошқа давлатлардан фарқли равишда фақат Ўзбекистонда бепул таълим тизими йўлга қўйилган ва у Конституция билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Ногиронлиги бўлган болалар махсус ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича таълим муассасаларида ўқиш ва тарбияланиш ҳамда ўз жисмоний, ақлий қобилиятлари ва хоҳишларига мос бўлган таълим олиш ҳуқуқига эга. Айниқса, 1996 йилдан бошлаб алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим тури кириб келди. Ушбу таълим усули дунё мамлакатларида 1990 йиллардан жорий қилинаётган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳам 1996 йилдан бошлаб жорий қилина бошлади. Ушбу таълим тизimini амалиётга татбиқ этиш Халқ таълими вазирлиги билан Юнесконинг ҳамкорлигида амалга оширилди².

Инклюзив таълим инглиз тилидаги “inclusion” яъни «қамраб олиш» сўзидан олинган бўлиб, ногиронлиги бўлган болалар ва соғлом болалар ўртасидаги тўсиқни бартараф этиш деган маънони англатади³. Соддароқ қилиб айтганда «инклюзив таълим бу ривожланишда нуқсонли бор болалар ва ўсмирларни соғлом тенгдошлари билан биргаликда таълим олиши ва умумий таълимда қўшилиб ўқишини англатади».

Аммо, Ўзбекистон шароитида инклюзив таълимга асосан энгил кўринишдаги ногиронлиги бўлган болалар жалб қилинмоқда. Оғирроқ кўринишдаги ногиронлиги бўлган болалар бўлса, кўпроқ ихтисослаштирилган ёки яқка тартибдаги уйдаги таълимга жалб қилинади. Тиббий–психологик комиссиянинг тавсияси бўлган тақдирда жисмоний ёки рухий ривожланишларида нуқсонли бўлган болаларнинг ота-оналари ўз хоҳиш истагига кўра ҳамда боланинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда таълим муассасаси турини (яъни инклюзив ёки ихтисослаштирилган) танлаш ҳуқуқига эга⁴.

Улар учун узоқ муддатли даволанишга муҳтож бўлган болаларни соғломлаштириш ва уларга таълим бериш учун уларнинг нуқсон турлари ва унинг даражаларини инобатга олган ҳолда давлат томонидан тўлиқ ёки қисман таъминланадиган қуйидаги турдаги таълим масканлари фаолият юритади⁵.

1. Махсус мактаб ва санатория туридаги мактаб интернатлардаги таълим.
2. Уйда яқка тартибдаги таълим.
3. Инклюзив таълим.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида 8 турдаги: кузи ожиз, заиф кўрувчи, кар ва заиф эшитувчи, ақли заиф, рухий ривожланиши сустлашган, таянч харақати аъзолари шикастланган, нутқида мураккаб нуқсонли бўлган болалар таълим-тарбия оладилар⁶.

Бундан ташқари, мамлакатимизда санаторий туридаги мактаб-интернат мавжуд бўлиб, бундай таълим муассасаларида сколиоз билан касалланган, сил ва нафас олиш органларининг сурункали хасталикларига чалинган болалар даволаниш ҳамда махсус шароитларда таълим олиш имкониятига эга.

Ногиронлиги бўлган болалар учун инклюзив таълимнинг афзаллик жиҳатлари шундан

¹ Образование: одним больше, другим меньше. Региональное исследование в области образования в Центральной и Восточной Европе и содружестве независимых государств (ЦВЕ/СНГ) Региональное отделение ЮНИСЕФ для ЦВЕ/СНГ. 2007, –С 97- 99.

² Unisef. Uz country profile eng. 29 July final proofed/ Uzbekistan1. Definitions and stipulated rights of children with disabilities in Uzbekistan. Tashkent, 2012.

³ Шомахмудова Р. Инклюзив таълим (Халқаро ва Ўзбекистондаги тажрибалар). –Тошкент, 2011. – Б.11.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 285-модда; 2013 йил, 41-сон, 54-модда, Доклад о человеческом развитии. – Узбекистан, 2007-2008; Хўжамбердиев М. Ўзбекистонда инклюзив таълимнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2013, №3 –Б.42.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 285-модда; 2013 йил, 41-сон, 54-модда, Умарова.Н. Алоҳида эҳтиёжли болалар учун махсус мактабдаги таълим. Декабрь 2014 <http://turkiston.uz/index.php/dolzarbmavzu/97-2012-01-18-12-15-38.html>

⁶ Халқ таълими вазирлиги сайти// www.edu.uz; Шомахмудова Р.Ш. Инклюзив таълим (халқаро ва Ўзбекистондаги тажрибалар). Монография. –Тошкент, 2011.Б.5.; Тенг ҳуқуқлар-тенг имкониятлар. –Ташкент: SMI-ASIA, 2011. Б.128.; Тўхташев С. Махсус мактаб-интернат болаларида тарбиявий ишларни олиб боришнинг коррекцион хусусиятлари// Мактаб ва ҳаёт. Тошкент, 2010. №6. –Б.9.



иборатки, махсус мактаб интернатлар барча вилоятларда ҳам мавжуд эмас, улар бошқа вилоятларга бориб таҳсил олишларига тўғри келади. Инклюзив таълимда эса ногиронлиги бўлган болалар ўз оиласидан ажралмаган ҳолда умумтаълим мактабларига боришлари мумкин ва бундай болалар соғлом болалар билан бирга таҳсил оладилар, натижада улар соғлом болалар жамоасига эртaroқ мослаша бошлайдилар. Уйда якка тартибдаги таълимда бола жамоадан ажралган ҳолда таълим олади. Одатда бундай таълим усули оғирроқ кўринишдаги ногиронликка эга бўлган болаларга қўлланилади ва қонун билан мустаҳкамланган.

«Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига биноан «Ногирон болаларга умумий ёки Махсус мактабгача тарбия муассасаларида ва ўқув юртлирида тарбия ва таълим бериш имкони бўлмаган тақдирда, ота-оналарининг истаклари ҳисобга олиниб, ундай болаларга уйда таълим берилади. Бунда ота-оналардан бирига ёки уларнинг ўрнини босувчи кишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйиладиган тартибда ва шартлар асосида моддий таъминот ва имтиёзлар берилади», дейилган.¹

Бугунги кунда уйда якка тартибда таҳсил оладиган болалар ўртасида масофавий таълимни қўллаш дунёнинг ривожланган давлатлари, жумладан АҚШ, Германия, Япония, Россия каби давлатлари томонидан амалиётга татбиқ этиб келинмоқда ва ўз самарасини бермоқда. Чунки, эскирган таълим усулида, уйга ўқитишга фақат биргина ўқитувчи боради, у эса бир-бирига яқин икки ёки учта фандан дарс беради. Тарих, география ва бошқа қолган фанлардан ногирон бола беҳабар бўлиб қолаверади. Бундай шароитда у барча фанларни чуқур ўзлаштиришда муаммоларга дуч келади. Эшитиш қобилияти суст ўқувчиларга эса махсус мутахассисликка эга ўқитувчилар етишмайди.

Ногиронлиги бўлган болаларнинг инклюзив асосда таълим олишларига тўсик бўлувчи энг асосий омиллардан бири барча мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларига кириш жойларида нишабли йўлакчалар (пандуслар), йўлак ва ўқув хоналарида тўсиксиз ҳаракатланиш, спорт ва мажлислар залларига, ошхона кутубхона тўғараклар ва бошқаларга тўсиксиз киришга мослаштириш даркор. Умумий типдаги барча замонавий таълим муассасалари у ерда ногиронлар, жумладан кўриш, эшитиш ва ҳаракатланиш, спорт ва мажлислар залларига, ошхона кутубхона тўғараклар ва бошқаларга тўсиксиз кириш учун қулайлиги таъминланиши зарур. Умумий типдаги барча замонавий таълим муассасалари у ерда ногиронлиги бўлганлар, жумладан кўриш, эшитиш ва ҳаракатланиш аъзоларида нуқсонлари бор инсонлар тўсикларсиз ҳаракатлана олишларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлишлари керак.

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил. 18-сон. 233-модда.



ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ЁШЛАРДА КАСБИЙ РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

*Рахимов Жавоҳир Даврбек ўғли
Тошкент давлат транспорт
университети MTS-1 гуруҳ магистри
Email: nnj_0629@mail.ru*

Аннотация: Мақолада пандемия шароитида ёшларнинг касбий фаолияти, меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф, илм-фан ривожини ва таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади ҳам ёш мутахассис кадрларда рақобатбардошлик сифатларини шакллантириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: тараққиёт динамикаси, касбий рақобатбардошлик, пандемия шароити, ёш мутахассис, таълим тизими.

Бугунги тараққиёт тенденцияси ёшлар турмуш тарзига турли даражада таъсир этиш билан бирга уларнинг касбий сифат ва рақобатбардошлик даражасига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Айниқса, ёш мутахассис кадрларда рақобатбардошлик сифатларини шакллантиришга таъсир этувчи ижтимоий омилларни ўрганиш долзарб саналади. Негаки, тараққиёт динамикаси шуни кўрсатмоқдаки, жамият ҳаётида рўй берувчи турли вазият ва ҳолатлар, ижтимоий ҳаётга ўз таъсирини ўтказиши билан бир қаторда ёш мутахассисларнинг касбий рақобатбардошлигига ҳам у ёки бу даражада таъсир ўтказмоқда. Масалан, коронавирус инфекцияси муносабати билан эълон қилинган пандемия шароити айрим ёш мутахассисларнинг касбий фаолиятга позитив, айримларига эса негатив таъсир кўрсатганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Жамиятда айрим ёш мутахассис касб эгалари нисбатан кескин талаб ошиб кетган бўлса, айрим ёш мутахассис кадрлар ишсизлик муаммосига дучор бўлди. Хусусан, пандемия муносабати билан тиббиёт, ахборот технологиялари, фармацевтика ва ижтимоий хизмат кўрсатиш каби соҳаларда фаолият олиб бораётган ёш мутахассисларга нисбатан эҳтиёж ва талаб кучайиб кетган бўлса, туризм, ишлаб чиқариш ва бизнеснинг айрим соҳаларида фаолият олиб бораётган ёш мутахассисларида ишсизлик ва даромаднинг пасайиши каби ҳолатларга тушиб қолишига сабаб бўлди. Бу даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича, аҳолининг турли гуруҳларини, шу жумладан ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди [1, 2, 3]. Бу борада Ўзбекистонда Президент Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилган: “Ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: қанчалик қийин бўлмасин, қанча маблағ ва имконият талаб этилмасин, Ўзбекистоннинг биронта фуқароси ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди” [4] – деган гуманистик ғоя асосида чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Пандемия шароити техник тараққиёт тезлигини янада кучайтирди. Барча соҳаларда янги шароитга мослашиш ва креативлик, рақобатбардошлик, новаторлик, соҳаларни модернизация қилиш, соҳа ривожини учун инновацион ёндашув талабини кучайтирди. Натижада масалага функционал ёндашган ҳолда касбий кадрларнинг асраш, уларни ривожлантириш, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш каби вазифаларнинг амалий аҳамиятини кучайтирди. Айниқса, илм-фан ривожини ва таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади ҳам ёш мутахассис кадрларда рақобатбардошлик сифатларини шакллантириш масалаларига қаратилганлиги билан муҳим саналади. Жумладан, Ўзбекистонда жорий йилнинг 23 сентябрида қабул қилинган N ЎРҚ-637-сонли “Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунини айнан жамият ҳаётидаги ўзгариш ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда таълим тизими, турлари ва шаклларига бир қатор ўзгаришлар киритилди.

Масалан, ушбу қонуннинг 15-моддасида “Таълим олиш шакллари қуйидагилардан иборатлиги кўрсатилган: - ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олиш (кундузги); - ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш (сиртқи, кечки, масофавий); - дуал таълим; - оилада таълим олиш ва мустақил таълим олиш; - катта ёшдагиларни ўқитиш ва уларга таълим бериш; - инклюзив таълим; - экстернат тартибидаги таълим; - муҳофизат, хавф-



сизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида кадрлар тайёрлаш"[5].

Шундай қилиб, юқорида айтилганларни умумлаштириб, шуни айтишимиз мумкинки, ёш мутахассисларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун қулай таълим-тарбия муҳитини яратиш, барча таълим муассасалари, қолаверса давлат ижтимоий сиёсатининг асосий вазифаларидан бири саналиб, алоҳида масъулият юклайди. Шу сабабли, таълимнинг сифатини амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг сон кўрсаткичи эмас, балки таълим муассасасида тайёрланаётган кадрларни билим ва ахборотни ўзлаштирганлиги, касбий компетенциялар ва ахлоқни эгалланганлиги, қадрият ва меъёрларни англаган тарзда касбий фаолиятда қўллаш олиши билан белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5969-сонли фармони - www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5978-сонли фармони - www.lex.uz.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони - www.lex.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи” - <http://xs.uz/uzkr/post/prezident-shavkat-mirziyoevning-ozbekiston-respublikasi-mustaqilligining-jigirma-toqqiz-jilligiga-bagishlangan-tantanali-marosimdagi-nutqi>

5. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги N ЎРҚ-637-сонли Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 2020 йил 24 сентябрь - www.lex.uz.



AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI YOSHLARNING FUQAROVIIY FAOLLIGIGA TA'SIRI

*O'zbekiston Milliy Universiteti mustaqil izlanuvchisi
Norbekov Umid Jo'rabek og'li
@mail:umidnorbekov@gmail.com*

Annotatsiya: Maqolada fuqarolik jamiyatini rivojlantirishda yoshlarning fuqaroviy faolligiga ta'sir etuvchi siyosiy texnologiyalari "pablik relayshns" haqida ma'lumot berilib, ushbu texnologiyani qo'llash bilan bog'liq qator takliflar berildi

Kalit so'zlar: Axborot, internet, OAV, siyosiy texnologiyalar, davlat, fuqaro, yoshlar, fuqaroviy faollik, fuqaroviy ong, pablik relayshns(public relations), valontyorlik,

Frensis Fukuyamaning fikriga ko'ra jamiyatning rivojlanish bosqichlari ichida axborot va kompyuter texnologiyalari bosqichi juda uzoq va murakkab jarayonlar bo'lib qolaveradi. 90-yillarning boshidan beri internet texnologiyalarining tez tarqalishi tufayli foydalanuvchilar soni bir necha milliondan 4,5 milliardga oshdi. Internet nafaqat axborot maydoni, balki muayyan ommaviy harakatlarning koordinatori sifatida ham tobora ko'proq foydalanilmoqda. Telekommunikatsiyalarni rivojlantirish bilan birga, jamiyat katta miqdordagi ma'lumotlarni o'zida to'plashga mustaqil fikrlarini ifoda etish va jamoaviy harakatlar qilish imkoniyatiga ega bo'ldi. Shu davrda internet axborot media butun dunyo bo'ylab fuqarolik jamiyatining ajralmas qismiga aylandi.

Hozirda boshqaruv sohasidagi zamonaviy modellardan biri axborot boshqaruvi bo'lib, mazmunan fuqaro va davlat o'rtasidagi munosabatlarni tezda, samarali hosil qilishda kerakli axborot texnologiyalardan foydalanish, shu bilan birga aktiv usullarni jamiyatga joriy qilish nazarda tutiladi.

Siyosiy texnologiyalarning zamonaviy ko'rinishlari borasida so'z borganda, avvalambor uning informatsion siyosat yuritishga qaratilgan texnologiyalariga to'xtalib o'tish maqsadga muvofiq bo'ladi. Hokimiyat uchun kurashishga va geosiyosiy va geoiqtisodiy maqsadlarni amalga oshirishga va buning uchun esa omma ongiga ta'sir etishga qaratilgan. Hozirgi globalizm davriga kelib esa, informatsion siyosat yuritishga qaratilgan zamonaviy siyosiy texnologiyalar juda ham rivojlanib bormoqda. Shunday qilib, ulardan biri — pablik rileyshnz (eng. Public Relations) texnologiyasidir.

Pablik rileyshnz texnologiyalari informatsion — tahliliy faoliyat tizimini namoyon etib, siyosiy maqsadlarni ruyobga chiqarish jarayonida saylovchilarga va umuman jamiyatga nisbatan vijdonan va hurmatli munosabatda bo'lish prinsipiga amal qiladi.

Pablik rileyshnz tushunchasiga nisbatan turli xil yondashuvlar mavjud. Jumladan, siyosat sohasida mashhur bulgan ingliz siyosatchisi Sem Blek pablik rileyshnz tushunchasiga quyidagicha ta'rif bergan: «Bu sub'ekt tomonidan aniq va to'liq ma'lumotga asosan tashqi muhit bilan o'zaro ishonchli aloqaga kirishish uchun ishlatiladigan fan, san'at hamda usul va texnologiyalar yigindisidir»¹

Yana V.G.Korolko o'zining «Pablik rileyshnz asoslari» kitobida keltirgan ta'rifni misol qilib olishimiz mumkin: «Pablik rileyshnz — bu jamiyatning fikrini kerakli va maqsadli tarzda shakllantirish uchun tayyor axborotlarning maxsulini kommunikatsion vositalar orqali tarqatish va ma'lumotlarni boshqarishning maxsus tizimidir»²

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib, demokratiyaning bir elementi va fuqarolik jamiyati rivojlanishining natijasi bo'lgan pablik rileyshnz, totalitar elementlaridan biri bo'lgan targibotdan keskin farq qiladi. Ular orasidagi asosiy farq maqsaddan kelib chiqadi. Pablik rileyshnzning asosiy maqsadi murosaga erishish bo'lsa, targibot yoki manipulyatsiyaning asosiy maqsadi ob'ektda sub'ekt uchun kerakli va foydali bo'lgan dunyoqarashni shakllantirish va saqlab qolishdan iborat bo'ladi.

Jamiyatda siyosiy safarbarlik etishda asosiy kuch yoshlar tashkil etadi. Shu o'rinda

¹ Тучков С.М. Становление политических пabлик рилейшнз: предпосылки, проблемы и перспективы. // www.hs.uz/e_libraru/tuchkov_polit_pr.htm.

² Королько В. Основы пabлик рилейшнз https://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Gurn/korol/01.php



yoshlarda shakllanib kelayotgan siyosiy fuqaroviy pozitsiyani axborot texnologiyalari orqali boshqarish samarali hamda amaliyotda keng qamrovli ekanligini ta'kidlab o'tmoqchimiz.

O'zbekiston sharoitida yoshlarning umumiy bir maqsadga birlashishida, davlat va jamiyat manfaat uchun xizmat qilishida quyidagi holatlarni hisobga olmoq lozim:

- OAV sohasida yoshlarni jalb qilinganlik holati,
- Jamoat birlashmalarini tuzishda yoshlarning ishtiroki ta'minlanganlik holatiga ko'ra;
- Valontyorlik harakatidagi fuqarolik legitimlik mavjudligi;
- Axborot almashishda texnologik imkoniyatlarning kengligi;
- Internetda moddiy mablag'lar ishlab olish uchun iqtisodiy imkoniyatlarni mavjudligi.

Yoshlarning fuqaroviy faoligiga qolaversa fuqaroviy ongiga ta'sir etishda internet axborot maydonida yuqoridagi imkoniyatlarni hisobga olgan holda zaruriy axborot texnologiyalarni ishlab chiqmoq lozim bo'ladi. Hozirda mamlakatimizda asosan ijtimoiy tarmoqlarda yoshlarning ulushidan kelib chiqib dastavval quyidagi takliflarini bermoqchimiz.

- Ijtimoiy tarmoqlarda siyosiy mavzularni olib boruvchi blogerlarni sifat bo'yicha davlat monitoringini amalga oshirish va statistik reytingini belgilash,

- yoshlarni turli siyosiy oppozitsiyalarga qo'shilib ketmasligi uchun milliy media kontent ochiqligini ta'minlash,

- yoshlarga siyosiy – huquqiy axborot berib boruvchi internet segmentlarini ko'paytirish borasidagi davlat dasturlarini ishlab chiqish,

- milliy domenimizda bepul yoshlarning media savodxonlikka o'rgatuvchi saytlarni ko'paytirish,

- yoshlar ongiga mavjud axborotlarning ta'siri aniqlash bo'yicha internet tarmog'iga doimiy ijtimoiy so'rovlarni o'tkazib borish.

Xulosa o'rnida shuni takidalash kerakki, mamlakatimizda yoshlarimizning ongiga turli yot siyosiy pozitsiyalarni ta'sirini kamaytirish, kelgusida yoshlarimiz davlatimiz xavfsizligiga zarba beruvchi turli siyosiy texnologiyalarni real ishtirokchiga aylanib qolmasligi uchun zaruriy chora tadbir ta'minlash maqsadida to'g'ri axborot siyosati olib bormoq lozim bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Гринберг Т.Э. Политические технологии. ПР и реклама. М.:2005.-317с.
2. Прокофьев В.Ф. Тайное оружие информационной войны. М.:1999.-283 с.
3. Уфимцев Ю.С. и др. Методика информационной безопасности. М.:2004. - 544с.
4. Балуев Д.Г., Новоселов А.А. Анализ разведанных из открытых источников. – Нижний Новгород: НИИ кризисных информационных систем, 2011. – 127 с.
5. Киселев А.А. Политическое участие в интернете. Дис. ... канд. полит. наук. – Краснодар, 2007. Свечин А.А. Эволюция военного искусства. С древнейших времен до наших дней. Том второй. [Электронный ресурс] Режим доступа: [http:// www.plam.ru/hist/yevolucija_voennogo_iskusstva_s_drevneishih_vremen_do_nashih_dnei_tom_vtoroi/p2.php](http://www.plam.ru/hist/yevolucija_voennogo_iskusstva_s_drevneishih_vremen_do_nashih_dnei_tom_vtoroi/p2.php)
6. Тучков С.М. Становление политических паблик рилейшнз: предпосылки, проблемы и перспективы. // www.hs.uz/e_libraru/tuchkov_polit_pr.htm.
7. Королько В. Основы паблик рилейшнз https://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Gurn/korol/01.php

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 22-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(4-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.11.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000